

ИСМАТУЛЛА АБДУЛЛАЕВНИНГ ИЛМИЙ - ОММАБОП МАҚОЛАЛАРИ

Рахмонқул Аликулов

*ТДШУ Мумтоз филология ва адабий манбашунослик кафедраси матнишунослик
ва адабий манбашунослик йўналиши 2 курс магистранти*

XX аср ўзбек манбашунослиги соҳасида катта ишларни амалга оширган ва бу йўлдаги ўзининг сермаҳсул фаолияти билан танилган олимларимиздан бири наманганлик Исматулла Абдуллаевдир (1927-2005). Олимнинг илмий фаолияти асосан Мовароуннахр ва Хурросон шоирларининг араб тилидаги X-XI аср бошларидағи шеъриятига бағищланган бўлиб шу мавзуда номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳам ёқлади. Ўзбек ва рус тилларида бир нечта китоблар чоп эттириди (5, 27).

Асосий соҳаси шарқшунослик, манбашунослик ва филология бўлган Исматулла Абдуллаев публистика соҳасида ҳам сермаҳсул ишлар қилган. долзарб мавзуларда илмий - оммабоп мақолалар ёзган. Турли газеталарда чоп этилган мақолалари олимнинг ўзи томонидан учта катта альбомга ёпиштириб жамлаб қўйилган. Бу ҳақда олимнинг ўзи шундай деган: “1980 йили Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси хузуридаги Ислом маҳҳади ректори, азиз биродарим, марҳум Шамсаддинхон Зиёуддинхон ўғиллари мендан “Ўрта Осиёning машҳур сиймолари” мавзуида талабаларга маҳсус дарс ўтиб берсангиз, деб илтимос қилди. Бажонидил қабул қилдим. Худди шу аллома ва сиймолар ҳақида “Ўзбекистон Совет Энциклопедияси”га ёзиб берган мақолаларим нусхаси қўлимда эди. Уларни тўлдириб, маҳҳад режасига мослаштириб икки йил дарс бердим” (2, 3). Ушбу мақоламизни ҳам айнан ўша албомлар асосида тайёрладик. Биринчи альбом 1962-1985 йилларда, иккинчиси 1986-1993 йилларда, учинчиси 1993 йилдан 1997 йилгacha нашр этилган мақолаларни ўз ичига олган. Уч альбомдаги илмий-оммабоп ва публистиック мақолалар сони 170 дан ортиқ. Асосий касби илмий тадқиқот, қадимий қўллэзма манбаларни ўрганиш, табдил ва нашр қилишта бағищланган олимийнг бу соҳадаги самарали фаолияти таҳсин ва мақтовларга сазовордир. Исматулла Абдуллаевнинг мақолаларини мазмунига қараб уч гурухга ажратиш мумкин. Биринчи гурух мақолалари ўзи тадқиқ этган соҳа бўйича “Бухоронинг қириқ етти шоири” (“Бухоро ҳақиқати”, 23. 10. 1964 й.), “Носир Бухорий ижоди ҳақида” (“Ўзбекистон маданияти” 10. 08. 1966 й.), “Абу Бақр Хоразмий” (“Совет Ўзбекистони” 26. 01. 1972 й.), “Поэтический голос древности” (“Правда Востока” 14. 09. 1983 й.), “Хоразмий ва унинг асарлари” (“Совет Ўзбекистони” 07. 03. 1985 й.), “Саолибий адабиёт тарғиботчиси” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” 19. 08. 1988 й.), “Абу Мансур ас Саолибий” (“Қишлоқ ҳақиқати” 29. 01. 1991 й.), “Қимматли манба” (“Ўзбекистон овози” 07. 01. 1992 й.), “Аллома ва адаб” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” 02. 11. 1984 й.) ва бошқалар. Бу каби мақолаларида олим араб тилида ижод қилган мовароуннахрлик, бухоролик арабийнавис шоирларнинг ижодига оид ягона манба

бўлмиш “Ятиматут даҳр” (“Замонасининг дурдонаси”) тазкираси ва унинг муаллифи машҳур адиб, тилшунос ва тарихчи олим Абу Мансур Саолибий (961 - 1038) ҳақида фикр юритади ҳамда шу асарга кирган Марказий Осиёлик шоирлар тўғрисида маълумотлар ва уларнинг асарларидан парчалар келтириб, X-XI асрда яшаган аждодларимизнинг араб тилидаги шеърлари билан танишитириб ўтади (1, 6).

Исматулла Абдуллаевнинг адабиётимиз тарихи ҳақидаги мақолалари орасида Алишер Навоий ва Бобораҳим Машраб ижодига оид мақолаларини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. “Улуг мутафаккир ижодида араб адабиёти” (“Тошкент ҳақиқати” 20. 11. 1991 й.) мақоласида олим биринчи марта араб адабиёти билан Навоий ижодидаги боғланишни илмий ёритиб берган. Бобораҳим Машраб ва унинг “Мабдаи нур” асари ҳақидаги ўнлаб мақолалари машрабшуносликнинг жуда кўп очилмаган кирраларини илмий асосда ёритиб берди. “Машрабнинг бузилиб куйланётган бир ғазали ҳақида” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 26. 10. 1990 й.), “Машраб таржимаи ҳолига оид қайд” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 26. 10. 1990 й.), “Машраб ва Мабдаи нур” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 12. 01. 1991 й.), “Мабдаи нур жилоси” (“Қишлоқ ҳақиқати”, 22. 05. 1992 й.), “Халқ билан ҳамнафас шоир” (“Наманганд ҳақиқати”, 23. 05. 1992 й.) кабиларни мисол тариқасида айтишимиз мумкин.

Исматулла Абдуллаев илм - фанимиз ва маданиятимиз равнақи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қанча манбаларни илмий муомалага киритган олимларимиздан бири ҳисобланади (4, 69). Олимнинг наманганлик мумтоз шоирлар Мулло Йўлдош Хилватий, Чустий ва Шўхийлар ижодига бағишлиланган бир қанча илмий мақолалари ҳам чоп этилган. 1980 йил охирларида “Тошкент оқшоми” газетаси сахифаларида алоҳида бўлим очилиб, Исматулла Абдуллаев мумтоз шоирларимиз Навоий, Машраб, Оғаҳий, Фузулий, Ҳувайдонинг машҳур ғазаллари шарҳини мунтазам бериб борди. Биринчи гуруҳга кирган муаллифларнинг кўп қисми Имом Бухорий, Имом Термизий, Абдулхолик Фиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Ибн Сино, Беруний, Муҳаммад Хоразмий, Замахшарий, Амир Темур, Улуғбек, Али Қушчи каби буюк алломалар ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишлиланган. Муҳожирликда яшаган машҳур фиқҳ олими, адиб ва шоир Сайид Маҳмуд - Олтинхон Тўра ҳақидаги мақолалар туфайли бу зот ҳаёти ва илмий фаолияти билан халқимиз танишиш имконига эга бўлди. Исматулла Абдуллаев машҳур шарқшунослар академик М. Ю. Крачковский, профессор В. И. Беляев, А. Расулов, М. Баҳодиров ҳақидаги мақолаларида уларнинг шарқшунослик фанига қўшган улкан ҳиссалари ва кўплаб шогирдлар тайёрлашдаги хизматлари ўз аксини топган. Манбашунослик ва матншуносликнинг жаҳон фанидаги муҳим аҳамияти ва унинг ўша даврдаги аҳволи ҳагида чоп этилган “Матншунослигимиз равнақ топсин” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 7. 10. 1982 й.), “Манбашунослик -маънавият ва маърифат калити”, (“Миллий тикланиш”, 29. 07. 1997 й.) каби мақолаларда бу фаннинг ниҳоятда қийин соҳалари ҳақида илмий баҳслар юритилиб, муҳим фикрлар ўртага ташланган. Исматулла Абдуллаевнинг мақолалари орқали 47 нафар бухоролик, 7 нафар хоразмлик ва икки тошкентлик арабийнавис шоирлар ҳақида адабиётимизда биринчи маъумотлар

берилди ва кенг китобхонлар оммасини уларнинг ҳаёти ва ижоди билан таништирилди.

Исматулла Абдуллаев одоб – ахлоқ ва ижтимоий тарбияга оид мавзуларда ҳам бир қанча мақолалар ёзган. Жумладан, “Бепарво бўлманг” (“Совет Ўзбекистони”, 11. 01. 1967 й.), “Ичкиликбозлик – иллат” (“Совет Ўзбекистони”, 20. 05. 1971 й.), “Умр заволи” (“Совет Ўзбекистони”, 20. 10. 1985 й.), “Оғу” (“Туркистон”, 21. 05. 1992 й.), “Оғуни ташвиқ қилманг” (“Тошкент оқшоми”, 7. 03. 1993 й.), “Наманганни ичкиликсиз ва ўғирликсиз вилоятга айлантирайлик”, (“Наманган ҳақиқати”, 5. 12. 1991 й.) кабиларни айтиш мумкин. Бу мақолаларда профессор И. Абдуллаев ичкиликтининг ҳам моддий, ҳам маънавий заарларини илмий ва амалий далиллар билан мисоллар келтириб исботлаб беради. Ичкилик билан баробар порахўрлик, ўғирлик, фоҳишабозлик каби жирканч иллатлар ҳам Исматулла Абдуллаев мақолаларида қаттиқ қораланади. “Дўст дийдори” (“Совет Ўзбекистони”, 04. 04. 1972 й.), “Маърифат ва тарбия” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” 5. 05. 1989 й.), “Бидъат ва хурофот” (“Ўзбекистон овози”, 07. 07. 1992 й.), “Хайру эҳсон ҳар бир инсон учун фарздор” (“Наманган ҳақиқати”, 12. 11. 1994 й.), “Миънавиятимизни ҳар томонлама камол топтирайлик” (“Наманган ҳақиқати”, 26. 04. 1995 й.), “Маънавият ўзаги” (“Ўзбекистон овози”, 02. 05. 1995 й.), “Фарзанд бурчи” (“Наманган ҳақиқати”, 19. 07. 1999 й.), “Яхши хислат” (“Миллий тикланиш”, 25. 07. 1995 й.), “Иффат – аёл зийнати” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 15. 09. 1995 й.), “Маърифатли авлодни тарбиялайлик” (“Наманган ҳақиқати”, 05. 10. 1996 й.), “Маънавият ва тарбият” (“Миллий тикланиш”, 12. 11. 1996 й.), “Тарбия оиласда камол топади” (“Маърифат”, 28. 05. 1997 й.), “Дин ниқобидаги жиноятчилар” (“Наманган ҳақиқати”, 21. 02. 1998 й.). Биз юқорида ахлоқ-тарбияга оид мақолаларнинг айримларинигина келтириб ўтилган. Уларда алломаларнинг ҳикматли сўзлари, мақоллар, форсийнавис ва ўзбек мумтоз шоирлари шеърлари ва ҳаётий воқеа-ходисалардан парчалар келтириб ўтилган. Исматулла Абдуллаевнинг ахлоқий-тарбиявий мақолалари маънавият ва маърифат соҳасида, соғлом, етук авлодни тарбиялашда муҳум ижобий аҳамият касб этиб келмоқда.

Қисқача тўхтаб ўтилган юқоридаги илмий, илмий - оммабоп ва публистистик мақолаларнинг кўпчилиги ўзбек ва рус тилларида марказий газеталарда чоп этилган. Яна айримлари эса Наманган, Бухоро, Самарқанд, Термиз, Фарғона, Ўш шаҳарлари газеталарида босилган. Ҳамидjon Ҳомидий ва Маҳмуджон Маъмуролар томонидан нашр этилган “Наманган адиллари” китобини тузишда ҳам олим Исматулла Абдуллаевнинг илмий мақолалари асос бўлганлиги эътиборилидир (3,5).

Манбашунослик соҳасида Исматулла Абдуллаевнинг ижодий ишлари ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Биз эса юқорида уларнинг айримларинигина келтириб ўтдик.

АДАБИЁТЛАР:

1. И. Абдуллаев. Бухоронинг арабийнавис шоирлари. -Т.: “Фан”. 1965. -Б. 55.
2. И. Абдуллаев. Марказий Осиёда ислом маданияти. -Т.: “Фан”. 2005. -Б. 384.
3. Ҳамидjon Ҳомидий, Maҳмudжон Maъmurov. Наманган адиллари. -Т.: “Фан”, 2007. -Б. 280
4. Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик. -Т.: ТДШИ. 2000. -Б. 134.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 1 жилд. -Т.: 2000. -Б. 736.